## Дараклар

### БМТ Яқин Шарқдан хавотирда



**БМТ Хавфсизлик Кенгашининг навбатдан ташқари шошилинч йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Исроилнинг Сурияга ракета зарбалари бериши билан юзага келган зиддият муҳокама марказида бўлди.** Кенгаш аъзолари Дамашқ томонидан тайёрланган Шарон ҳукумати сиёсатини танқид остига олувчи резолюция лойиҳасини кўриб чиқишди. Бироқ ушбу ҳужжат аъзо мамлакатлар томонидан бирдай маъқулланмади. Масалан, АҚШ вакиллари резолюцияни бу ҳолда қабул қилиш мумкин эмаслигини билдирди.

Исроилнинг Дамашқ яқинидаги пунктларга ракета зарбаларини бериши Яқин Шарқдан вазиятни янада таранглаштириб юборди. Бир неча кун аввал Фаластинда ҳам фавқулодда ҳолат жорий этилди.

### Қидирув давом этмоқда



**АҚШ ва Буюк Британия иттифоқчи кучлари томонидан Ироқ пойтахти Бағдодда махсус қидирув операцияси ўтказилди.** Пойтахтдан 80 км масофада жойлашган ҳудуддаги аҳоли пунктлари Саддам Ҳусайн ва БААС партиясининг бошқа раҳбарларини топиш мақсадида текшириб чиқилди. Операция давомида бир неча шубҳали киши қўлга олинди.

Айни шу лаҳзаларда пойтахтда АҚШ танки Ироқ фуқароси бошқарувидаги юк машинаси билан тўқнашиб кетди. Бу сўнгги вақтда такрор-такрор рўй бераётган ҳодисалардан биридир.

### Теҳрон МАГАТЭ қароридан норози

**Эрон раҳбари Муҳаммад Ҳотамий ҳарбий қўмондонлар билан учрашувда атом тадқиқотлари масаласида Теҳрон сиёсий позициясига аниқлик киритди.** Президентнинг билдиришича, атом тадқиқотларини ўтказишдан кўзланаётган бош мақсад айрим давлатлар таъкидлаётганидек ядро қуролига эга бўлиш эмас, энг аввало, илм-фан тараққиёти ва замонавий технологияларни ўзлаштиришдир. Шунингдек, мамлакат суд ҳокимияти раиси Оятулло Ҳошимий суд органлари раҳбарлари йиғилишида Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) нинг Эрон масаласида чиқарган қарорига ўз норозилигини билдирган. У агентлик қарорини "қадимий халқни камситиш ва ЭИРнинг ички ишларига аралашиш" деб баҳолаган.

### Чеченистонда президентлик сайлови



**Чеченистон Республикасида президентлик сайлови ниҳоясига етди.** Кўпчилик сайловгача мамлакатга раҳбарлик қилган Аҳмаджон Қодиров умумхалқ овоз беришида ғалаба қозонишини тахмин қилаётганди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, кутилгандек А. Қодиров 7 номзод орасида энг кўп – 80 фоиз овоз олган. Кузатувчилар фикрича, сайлов жуда кўтаринки руҳда ўтган ва унда сайлаш ҳуқуқига эга аҳолининг 80 фоиздан ортиғи иштирок этган.

### Сайёҳлар оқими кўпаймоқда

**Ироқда ҳарбий операцияларнинг бошланиши минтақа давлатлари туризмига ҳам салбий таъсир этганди.** Бағдодда ҳукумат ўзгартирилиб, маълум маънода тинчлик ўрнатилгач, қўшни мамлакатларга кетаётган сайёҳлар оқими ҳам кўпаймоқда. Маълумотларга қараганда, эҳромлар мамлакати – Мисрга йилига 5 миллион турист ташриф буюрмоқда ва бундан мамлакат 4 миллиард доллар фойда кўрмоқда.

Минтақадаги қадим ўтмишга эга давлатлардан яна бири – Эронга 1 миллион 500 минг сайёҳ сафар қилмоқда.

**Азизбек ТОШМАТОВ тайёрлади**

## Тарих

# ПЁРЛ-ХАРБОР ФОЖИАСИ

### *У қандай рўй берди? АҚШ разведкаси бу ҳақда аввалдан хабардормиди?*

**1941 йил, 7 декабрь. Маҳаллий вақт билан 7.55 да АҚШнинг Гавайи оролларидаги Пёрл-Харбор ҳарбий-денгиз базаси япон қирувчи самолётларининг қақшатқич зарбалари остида қолди. Тинимсиз икки соат давом этган ҳужум пайтида Қўшма Штатларга тегишли 18 та йирик ҳарбий кема ва 150 самолёт йўқ қилинди. 2117 аскар ҳалок бўлди, 876 киши жароҳат олди ва 960 нафар ҳарбий хизматчи бедарак йўқолди. Ушбу операциядан кейин Император флоти Тинч океанида ҳукмдорлик мавқеини эгаллади.**

**АҚШ тарихидаги энг даҳшатли фожиа деб эътироф этиладиган воқеанинг юз берганига ҳам ярим асрдан зиёд вақт ўтди. Бироқ фожиа ҳақидаги тахмину фаразлар, "Япония флоти ҳужумидан шахсан президент Рузвельтнинг ўзи бохабар бўлган", деган каби мулоҳазалар ҳамон янграб турибди. Ҳақиқатан ҳам АҚШ ҳукмати ва разведкаси бу ҳақда аввалдан билармиди? Агар билган бўлса, Тинч океани флоти нега япон ҳужумини қайтармади? Нима учун қирғиннинг олди олинмади?..**

#### *Махфий урушнинг бошланиши*

Биринчи жаҳон урушида Германияга қарашли Каролин, Мариан ва Маршалл оролларини босиб олган Япония 1920-йиллардаёқ дунёнинг учинчи мамлакатига айланиб улгурганди. Бироқ Император ҳокимияти "учинчи" бўлиб қолишга қаноат қилмади. Уруш якунланиши билан Японияда "Нагато" ва "Муцу" деб номланган жаҳондаги энг қудратли ва тезюрар линкор қурилишга киришилди. Уммонга ҳукмдорлик даъвогарларидан бўлган АҚШ бундан хавотирга тушиб, Филиппин ва Гуам оролларидаги ҳарбий базаларини мустаҳкамлашга киришди. Конгресс қарори билан 43 минг тоннадан ошиқроқ сув сиғимига эга бўлган 10 та линкор ва 6 та крейсер қурилиши бошлаб юборилди. Бунга жавобан япон ҳукумати томонидан "8+8" дастури эълон қилинди. Ҳарбий дастурда 8 та замонавий линкор ва яна шунча миқдорда крейсер бунёд этиш режалаштирилганди. Шу тариқа икки буюк салтанат ўртасида қуролланиш пойгаси бошланиб кетди.



АҚШ ҳарбий-денгиз разведка бошқармаси Япония флотида бўлаётган ҳар бир янгиликни диққат билан кузатиб борарди. Бошқармага махфий маълумотларни йиғишда 1888 йилда жорий этилган ҳарбий-денгиз атташеси хизмати айниқса қўл келарди. XX аср бошидаёқ АҚШ ҳарбий атташелари Берлин, Париж, Лондон, Санкт-Петербург каби дунёнинг илғор шаҳарлари қатори Токиода ҳам фаолият олиб борарди. Бироқ МРБдан фарқли ўлароқ ҳарбий-денгиз разведка бошқармаси қийинчилик билан, деярли ибтидоий даражада ишларди. Масалан, 1927 йилда қўлга киритилган япон флоти ҳақидаги шифрланган маълумотларни бошқарма мутахассислари орадан беш йил ўтгачгина ўқишга муваффақ бўлишганди.

Узоқ Шарқ ва Европада ҳарбий вазият қалтислашиши муносабати билан президент Рузвельт 1939 йилнинг 26 июнида разведка хизматини такомиллаштириш тўғрисидаги директивага имзо чекди. Шундан сўнг ҳарбий-денгиз разведка бошқармаси кучайтирилиб, унинг таркибида дунё кемасозлигини назарат қилиш секцияси ва ҳарбий цензура гуруҳи ташкил этилди. Федерал Қидирув бюроси, ҳарбий разведка бошқармаси ва ҳарбий-денгиз разведка бошқармаси ўртасида ҳамкорлик ва ахборот алмашуви кучайтирилди.

Ўз навбатида япон жосуслик хизмати ҳам Гавайи оролларида жойлашган Америка флоти ҳақида турли йўллар билан маълумот йиғарди. Махфий ахборот, асосан, Японияning Гонолулу (Гавайи маркази) даги консуллик идорасидан олинарди. Консулхона ходимлари дипломатик вазифадан кўра, кўпроқ жосуслик хизматини бажаришарди. Улар Токиога Пёрл-Харбор тўғрисидаги маълумотларни турли воситалар билан жўнатиб туришарди. Ҳатто чегарадан ҳеч қандай текширувсиз ўтиш ҳуқуқига эга бўлган бош консулнинг ўзи ҳам махфий ҳужжат йиғиш ва жўнатиш билан машғул эди. Гавайи портларига ҳар куни юзлаб япон юк ва йўловчи кемалари келарди. Назорат суст бўлгани боис ушбу кемалар Токиога кун-уззукун бир-биридан қимматли ахборотларни етказиб борарди.

1941 йилнинг мартида Японияning Гавайидаги консуллигига Тадаси Моримура номли янги ходим ишга келди. Алоҳида таёргарликдан ўтган ходимнинг зиммасига Пёрл-Харборни ипидан игнасигача ўрганиш вазифаси юкланганди. Бироқ асл муддаони бош консулдан бошқа ҳеч ким билмасди. Йосикава (жосуснинг ҳақиқий исми шундай эди) кечаю кундуз кўрфазни кузатар, айниқса, бандаргоҳга кириб келаётган ва чиқиб кетаётган ҳарбий кемаларни кўздан қочирмасди. Қизиғи, у на фотоаппарат ва на бошқа воситалардан фойдаланарди. Хотира кучига ишонган Йосикава кўрган-билганларини жуда яхши эслаб қоларди. Шу сабаб ундан ороллардаги америкалик ҳамкасблари ҳам кўп-да шубҳаланишмасди. Шу тариқа Император флоти Гавайига ҳужум бошлаш учун энг зарур маълумотларни қўлга киритарди.

1941 йилнинг 24 сентябрида Токиодан Гонолулуга, консулликка "мутлақо махфий" муҳрли телеграмма келди. Унда Пёрл-Харбордаги кемалар жойлашуви тўғрисида маълумот юборилиши сўралганди. Телеграмма Америка контрразведкаси томонидан ҳавода "тутиб олинди". Унинг мазмуни охир-оқибат Вашингтонга қадар етиб борди. Лекин телеграммаларни махфий равишда ўқиш ноқонуний ҳаракат бўлгани боис кўпчиликка ошкор бўлиб кетмаслиги учун бундай мактублар билан фақат ҳарбий вазир, ҳарбий разведка бошқармаси бошлиғи ва президентнинг ҳарбий маслаҳатчисигина танишиш ҳуқуқига эга эди. Бу сафар ҳам шундай бўлди: Тинч океани флоти офицерлари, ҳатто қўмондон Хасбенд Киммелнинг ўзи ҳам махфий телеграмма мазмунидан воқиф этилмади.

1941 йилнинг 5 ноябрида Япония флоти қўмондони адмирал Ямамото бошчилигида Пёрл-Харборга ҳужум режаси ниҳоясига етказилди ва операция вақти белгиланди. 26 ноябрь куни адмиралнинг буйруғи билан 6 авианосец, 6 линкор, 2 крейсер, 9 эсминц, 3 сувости кемаси ва 360 самолётдан иборат улкан флот Хитокаппу қўлтиғидан яширин суръатда Гавайи томон йўлга тушди. Қўмондон кўрсатмаси бўйича АҚШ томони ҳужумдан хабар топгудек бўлса, зудлик билан Японияга қайтиш кўзда тутилганди. Операциянинг асосий хусусияти кутилмаган вақтда бошланишида эди. Шу боис ҳам Ямамото раҳбарлигидаги "ажал карвони" уммонда сассиз-товушсиз сузарди. Ҳатто радиоалоқа ҳам тақиқлаб қўйилганди. Душман разведкасини чалғитиш мақсадида йўл шимолий йўналишда танланганди.

1 декабрь тонгида Тинч океани флоти қўмондони адмирал Хасбэнд Киммел Вашингтондан юборилган икки мактубни қабул қилиб олди. Биринчи мактубда Япония билан музокаралар самарасиз якунлангани ва Император флоти томонидан ҳар қандай йўналишда ҳужум уюштирилиши мумкинлиги айтилганди. Иккинчи хатда эса япон денгиз кучларининг асосий қисми жанубий ҳудудларда тўплангани қайд этилиб, ҳужум йўналиши аниқ кўрсатилганди: Филиппин, Таиланд ёки Борнео ороллари.

#### *"Йўқолган" дивизия*

Кейинги куни флот разведка хизмати бошлиғи Эдвин Лейтон япон ҳарбий-денгиз кучлари ҳақида тайёрланган меморандум билан адмирал ҳузурига кирди. Меморандумда Император флотининг 4 та авианосецлар дивизияси тўғрисида гапирилган ва 3-, 4-дивизия ҳақида муфассал маълумот берилганди. Бироқ 1- ва 2-дивизия тўғрисида "ломмим" дейилмаганди. Адмирал разведка бошлиғидан бунинг сабабини сўраганда, у 2 ҳарбий бўлинма ҳақида бирор ахборотга эга эмаслигини айтади. Айни шу пайтда Америка жосуслари кўзидан яширинган авианосецлар дивизияси шитоб билан Гавайи томон яқинлашиб келарди. "Йўқолган" ҳарбий кемалар ҳақида эртасига ҳам ҳеч қандай маълумот топилмади. Кейинги куни тонгда эса япон жанговар кемалари ҳарбий базадан кўз билан чамалагудек масофада турарди. Зум ўтмай, қўмондон буйруғи билан авианосецлардан 183 самолётдан иборат биринчи қирғин гуруҳи Пёрл-Харбор томон учирилди. Орол сари сония сайин ўлим ва таҳлика яқинлашиб келарди...

17 декабрь куни, Гавайи фожиасидан ўн кун ўтгач, Киммел флот қўмондони вазифасидан озод этилди. Кўп ўтмай, 1942 йилнинг мартида ҳарбий унвони бекор қилинди ва истеъфога чиқарилди. Собиқ адмирал ҳаётининг сўнгги дамларигача ўзининг айбсизлигини таъкидлаб ўтди. Умри поёнида берган интервьюсида: "Улар Американи урушга тортмоқчи эдилар ва шу йўлда мени қурбон қилдилар", — деганди. "Улар" деганда кимни назарда тутаяпсиз?" деб сўрашганда эса, "Улар — президент Рузвельт, армия штаби бошлиғи Жорж Маршалл ва Вашингтоннинг юқори мансабдорлари", — деб жавоб қайтарганди.

**Собиржон ЁҚУБОВ**

## Маърифат

# ҚЎРҚМАНГ, ЎЛМАЙСИЗ!..

Яқинда танишларимдан бири нохуш хабар етказди:

— Фалончи ўртоғимизнинг акаси ўлибди!

Мен беихтиёр эътироз билдирдим:

— Ўлгани йўқ...

— Ўзи телефон қилиб айтди! Эртага ўнда чиқаришаркан!

— Барибир ўлгани йўқ! — ўжарлик билан такрорладим мен. Танишим менга ғалати тикилди: "Боёқиш ақлдан озмаганми, ишқилиб?!"

Худога минг шукрки, мен ақлдан озмагандим. Фақат валийуллоҳлардан бирининг сўзлари ёдимга тушди: "Ўлим — йўқ нарса. Авом халқ "ўлим" деб атаётган нарса руҳнинг ўз қолипи бўлган танани тарк этишидан бошқа нарса эмас..."

Аслида бу оддий ҳақиқат валийуллоҳларгина эмас, оддий инсонларга ҳам маълум. Халқда "жони узилди", "жони чиқди" деган иборалар бор. Эътибор беринг: "жони чиқди!" Бу ибора жоннинг йўқлик сари юз тутишини, яъни ўлимни эмас, балки валийуллоҳ таъкидлаганидек, жоннинг танадан чиқишини, демакки, яна давом этажак ҲАЁТни билдиряпти.

"Ўлимдан кейин ҳам ҳаёт борми?", "Руҳ ўлмайдими?" каби саволларни бугунги кунда қуйи синф ўқувчилари ёки матбуотдан, илму урфон янгиликларидан бехабар кишиларгина беришлари мумкин. Зеро, XX аср кўплаб муаммолар қатори икки дунё мавжудлиги хусусидаги масалага ҳам ойдинлик киритди: инсон тана ва руҳдан иборат, тана йўқ бўлиб кетади, руҳ эса яшашда давом этади. Бу аҳлул-илм томонидан айтилаётган айнул ҳақиқат. Ҳатто матбуот хабарларига қараганда, АҚШ олимлари ўта мукаммал тарози ёрдамида руҳнинг оғирлигини ҳам аниқлаганлар...

Келинг, шу ўринда Москва сирлар клуби президенти Владимир Шчербаковнинг яқинда матбуотда эълон қилинган бир мақоласини бироз қисқартирган ҳолда эътиборингизга ҳавола этайлик: **"... Вагондан чиққан йигит ўз кўзларига ишонмай қолди: Надежда оппоқ, узун кўйлакда пешвоз келарди. Бўлажак куёв унга савол ёғдирди: нега биронтаям хат ёзмадинг? Бирон нарса бўлдими?.. Қиз кейинроқ тушунтиришга ваъда бериб, яқингинадаги кафега киришни сўради...**

**Солдат кескин ҳаракат билан Надя томон ярим ўгирилди, шу пайтда унинг кўйлагига вино тўкиб юборди. Қиз ўрнидан турди ва доғни ювиш учун ҳожатхонага кириб кетди. Орадан ўн дақиқа ўтса ҳам Надядан дарак бўлавермагач, солдат бир қиздан ҳожатхонага кириб ундан хабар олишни сўради. Қиз қайтиб чиқиб, у ерда ҳеч ким йўқлигини айтди...**

**Йигит ғалати алфозда уйига кириб борди ва онасига Надя билан учрашганлиги тўғрисида гапириб берди.**

**— Надя?! — ҳайратланиб хитоб қилди онаси. — Ахир, унинг ўлганига бир неча ой бўлган-ку?!..**

**— Нималар деяпсан?! Қанақасига ўлади?! — ажабланди солдат. — Ахир, у билан кафеда бирга бўлдик-ку!..**

**Боёқиш она ҳеч нарса демай кўз ёшига зўр берди: болам бечорага нима бўлди-а?**

**Йигитнинг отаси милиция билан яқин муносабатда эди. Ўша ердаги танишлари орқали прокурордан эксгумацияга рухсат олишга эришди.**

**Қабрни очиб, тобутнинг қопқоғини кўтаришди. Надежда хў, ўша оқ кўйлакда ётарди. Ҳойнаҳой, уни шу кўйлакда дафн этган бўлсалар керак. Кўйлак этагида винодан ҳосил бўлган ўша доғ...**

**Буни қандай изоҳлаш мумкин? Гап шундаки, инсон танасидаги эфир, астрал, ментал унсурлари маълум бир шароитларда моддий шаклга кириш хусусиятига эга. Умуман, улар бизнинг тасаввуримиздан ташқарида мавжуд бўлган параллел дунёда озиқланади. Уларнинг айримлари биздаги реалликка қаттиқ боғлангандир. Мана шунинг учун ҳам инсонлар маълум бир ҳолатларда руҳларни кўришга муваффақ бўладилар..."**

Шчербаковнинг изоҳи тўғрими, йўқми — бу бизни кўпам қизиқтирмайди. Ҳатто руҳларнинг кўзимизга кўриниш-кўринмаслиги ҳам муҳим эмас. Муҳими шуки, руҳимиз яшашда давом этар экан, яъни қабрга қўйилганимиздан кейин ҳам ўлмас эканмиз. Илм-фан ўзининг юксак даражасига кўтарилгачгина кашф этган бу ҳақиқат Аллоҳ таолонинг китобларида, бошқа муқаддас битикларда неча минг йиллар олдин баён этиб қўйилгандир. Пайғамбаримиз Муҳаммад, алайҳиссалом, бу ҳақиқатни янада равшанроқ баён этганлар: инсон ҳаёти уч қисмга бўлинади: фоний дунё ҳаёти, барзах (қабр) ҳаёти, охират ҳаёти.

Шу ерда мантиққа зиддек туюладиган, ақл соҳибларини ўйга толдирадиган бир нарса бор: нега биз ўлимдан қўрқамиз? Қабр бизнинг асосий ва охирги манзилимиз-ку? Ахир, манзилга етган киши хурсанд бўлиб кетмайдими? Масалан, Тошкентда ўқиётган ўғил ёки қизингизни кўргани борсангиз, етиб олгач, енгил тин оласиз: "Хайрият, етиб келдим-а..."

Ҳа, икки соатгина давом этган йўл азобидан қутулганингизга қанча суюнасиз, аммо қабр қошига етиб борган чоғингизда етмиш-саксон йил давом этган йўл азобидан қутулганингизга суюнмайсиз? Нега? Ахир, Тошкентгача бўлган йўл азобидан қабргача бўлган йўлнинг азоби неча минг, балки неча миллион марта оғир-ку: хотиннинг инжиқликлари, бола-чақа ташвиши, ишдаги муваффақиятсизликлар, етишмовчиликлар... қисқаси, ҳаётнинг доимий синовлари, зарбалари! Нега мана шу қийинчиликлардан қутулганингизга, яъни сўнгги манзилга етиб олганингизга қувониб кетмайсиз?!

Қабргача бўлган йўлни фақат хурсандчилик билан босиб ўтадиган инсонлар ғоят кам. Бизнинг кўзимизга бахти бекам бўлиб кўринувчи бою мансабдорлар ҳам ҳаётдан маълум бир зарбаларни оладилар; қайсиларининг фарзандлари ноқобил чиқиб куйдиради, қайсиларига дард ёпишади, қайсилари ўзларидан юқорироқ мансабдаги амалдордан сўкиш эшитиб юрагини чангаллайди... Демак, бу йўлни босиб ўтиш Тошкент ёки Фарғонага боришдан неча-неча чандон оғир ва азобли. Аммо шунга қарамай, бу йўл ниҳоясига борганда қувониб кетмаймиз. Нега?

Уммавийлар султони Сулаймон ибн Абдумалик ҳазрати Абу Ҳазимга шу саволни берганида, ул зот шундай жавоб қайтарган эканлар:

— Биз бу дунёмизни обод айлаб, охиратимизни хароб қилиб қўйганмиз. Ким обод жойдан хароб жойга боришни истайди?!

Лўнда ва ҳаққоний жавоб! Қани, айтинг, қайси биримиз бу жавобга эътироз билдира оламиз, яъни қайси биримиз охират масканимизни бу дунёдаги ҳовли-жойимиздан ободроқ қилишга уриняпмиз? Бир ҳисоблаб кўринг-чи, ҳар кунги ҳаётингизнинг неча соатини бу дунёнгизни обод қилишга-ю, неча соатини у дунёнгизни обод қилишга сарфлаётирсиз?

Ҳа, бир умр қабрга қараб йўл босамиз. Аммо унга яқин қолган чоғда қўрқиб, даҳшатга тушамиз. Сабаби, мана шу сўнгги уйимизни обод қилиб қўймаганлигимиз... Босиб ўтган ҳаёт йўлимиз эсга тушади: қилинмаган ибодатлар, ейилган ҳаром луқмалар, қайси бир инсонларнинг дилларига берилган озорлар... Сўнгги масканимиздан қўрқишимизнинг сири мана шунда!

Пайғамбаримиз, алайҳиссалом, "Ўлим солиҳ банда учун Тангрининг бир иноятидир" деб марҳамат қилганлар. Ҳақиқатан ҳам, қабрга етиб бориш умрини солиҳ амаллар билан ўтказган киши учун бир енгилликдир! Зеро, у фоний дунёнинг азобу ташвишларидан қутулаётир, олдинда эса — охират саодати!

Мен руҳнинг ўлмаслигига бағишланган ушбу мақоламни бироз киноя билан "Қўрқманг, ўлмайсиз!" деб номладим. Чунки ўзимнинг ҳам, дунёни охиратдан устун қўяётган замондошларимнинг ҳам — барчамизнинг ўлимдан нақадар қаттиқ қўрқишимизни яхши биламан. Аммо "Ноумид — шайтон" деганлар. Мен ҳам умид қиламанки, Аллоҳу таолонинг иноятни ила умримизнинг қолган қисмини эзгу режалар, солиҳ амаллар билан ўтказиб охират масканимизни обод айлаймиз. Ана шунда абадий ҳаёт ҳақидаги хушхабарни бир-биримизга кинояcиз, чин маънода етказгаймиз: "Қўрқманг, биродар, ўлмайсиз!"

**Абдулмухтор МУҲАММАДНОСИР**

## Тафаккур

# ФИКРЛАШ ЧАНҚОҒИ

*Ойлаб, йиллаб онгим тубида тинч ётган бир фикр аллақандай сирли бир турткидан ногоҳон, азалият тартибларини бузишга аҳд қилган тўфондек жунбушга келади ва борлиғимдан, ақлу идрокимдан айириб, мени изтиробли тасодифларга дучор этади. Шунда руҳ билан вужуд учрашадиган сирли нуқтани излаган буюк мистик Сведенборг эсимга тушади ва менда ҳам вужудимда фикр туғиладиган нуқтани топиш истаги уйғонади. Биламан, бу хаёл ўйини, аммо буюк фикрлар хаёл ўйинларидан туғилган эмасми, деган ўй билан изтиробли тасодифларга рўпара бораман...*

* * *

*Гоҳо ўйимни Сартрнинг "ҳаёт — бемаъни" деган фикри чулғаб олади, ваҳимали, беадад бир бўшлиқ ўз домига мени тортиб кетаётгандек туюлади, бироқ кўп ўтмай онгим тубидан чиққан "тўхта" деган бир садсдан сергак тортаман. Яхшиямки, онг уйғоқ: "Сен ҳаётдан ва ҳаёт Бергандан кечсанг-да, ҳаёт ва ҳаёт Берган сендан кечмайди" (Шопенгауэр).*

* * *

*Ҳаётни бемаъни топган киши ақлу тафаккурни бемаъни топиши мушкул. Шунинг учун кимга ҳаёт бемаъни кўринса, унга фикр излаш янада бемаъни кўринади.*

* * *

*Бемаъни фикр гоҳо бамаъни фикр эгаларини ҳам йўлдан уриши мумкин. Афина ҳаётидан бир мисол келтираман. Мусобақа пайтида отилган найза ногаҳон бир томошабинга тегиб, уни ўлдириб қўяди. Донишманд Пратогор билан биринчи стратег Перикл ким айбдор — мусобақани уюштирганми, найзани отганми ёки найзанинг ўзими, деган савол устида тортишиб қоладилар. Мусобақа тугайди, ўлганни кўмиб келишади, лекин баҳс тугамаган эди.*

* * *

*Замон муаммолари олдидаги ожизлигини беркитиш учун баъзилар ўтмишга тош отишни одат қиладилар. Менинг эса улар турадиган саройлар пештоқига "Агар сен ўтмишга тўппончадан ўқ узсанг, келажак сени замбарак билан қарши олади" (Расул Ҳамзатов) деган сўзларни битиб қўйгим келади.*

* * *

*Фикр фикрдан туғилади, бу рост, аммо баъзан фикрни давом эттирган фикр эмас, фикрларни рад этган фикр қимматлидир.*

* * *

*Фикрлар мудом қайта фикрлашлар маҳсулидир. Қайта фикрлашлардан туғилмаган фикр бир кунимас бир куни ўзига ўзи қарши чиқади.*

* * *

*Фикрларга тўла сайёрада ўз фикрингга эга бўлишинг осон эмас; "Фикрлайман, демак, мавжудман" (Декарт) деган ҳикмат бироз ўзгача яшашга, бироз ўзгача фикрлашга ўргатгандагина бу кўҳна дунёни топтаб юрганинг боисига етасан, акс ҳолда бошқаларнинг лаънона даъватларига илоҳий каромат деб эргашаверасан.*

* * *

*Бировларнинг фикрларини ўзиники қилгани учун жазога тортиш мумкин бўлганида эди, бундай жазога энг аввало ҳукмдорлар маҳкум этилардди.*

* * *

*Фикри ғарибнинг дўқ-пўписаси оламни титратади.*

* * *

*Ҳурфикр йўқ жойда аҳли ирфон мутаассибликни, аҳли қалам эса мунофиқликни элга манзур хислат деб мадҳ этади.*

* * *

*Тилёғламалик ҳурфикрлиликнинг истибдоддан ҳам хавфли душманидир.*

* * *

*Тилёғламалик авж олган жойда фикрни эмас, балки унинг эгасини улуғлаш одатга айланади.*

* * *

*Шубҳасиз, бир фикрдан икки фикр афзал, аммо ушбу икки фикр бирлашиб, учинчи фикрни маҳв этишга интилса ёмон.*

* * *

*Эҳтиёт бўлинг, фикрларнинг ҳам ўз "мен"и бор.*

* * *

*Давр фикрларни яратмайди, аксинча, фикрлар даврни яратади. Давр фикрларни яратганида эди, одамзот азобли фикрларга кўмилиб кетарди.*

* * *

*Тўғри, "фикр — ҳаётнинг давоси" (Ф. Бэкон), аммо у ҳаёт азиз бўлиши учун ҳаётдан тўрт қадам олдинда юрмоғи керак.*

* * *

*Ҳаққу ҳақиқатга "ҳа", ёлғону мунофиқликка "йўқ" дейиш учун ўз фикрингга эга бўлиш камлик қилади.*

* * *

*Бидъатга айланмайдиган фикр йўқ.*

* * *

*Бемаъни фикр меъёр билмайди.*

* * *

*Ҳар бир фикрнинг ўз чегараси бор, ундан кейин алаҳсираш бошланади.*

* * *

*Ўзганинг фикри — чақирилмаган меҳмон.*

* * *

*Ақлу тафаккурга ғайриҳаётий истак ҳукмрон бўлса, фикр ғайримантиқий изланишга қурбон бўлади.*

* * *

*Баҳс уйғотган барча фикрлар ҳам тараққийпарвар бўлавермайди, аммо улар мутлақликка даъвогар фикрлардан афзалдир. Биринчиси — тафаккурни чархлайди, иккинчиси — ўлдиради.*

* * *

*Баъзан ботқоқдаги бақа ҳам фикр уйғотади, аммо бу бақага ҳамду сано ўқишимиз шарт экан, дегани эмас.*

* * *

*Тафаккур диалектикаси: фикринг бир кишига ёқса, демак, у кимгадир керак; фикринг икки кишига ёқса, демак, қаердадир адашгансан; фикринг уч кишига ёқса, ундан воз кеч, чунки унинг эртага бидъатга айланиб, тавқи лаънатга учраши муқаррардир.*

* * *

*Эзгу фикрлардан кўра бад фикрлар ўзига тезроқ ва кўпроқ ҳаммаслак топади.*

* * *

*Адашган фикрлар эмас, қотган фикрлар жамиятни қолоқлик ботқоғига ботиради.*

* * *

*Эшикда туғилган фикрлар — эшикники.*

* * *

*Ҳар бир "Мен"да минг фикр бор, лекин "Мен"лар минг-минг-у, фикрлар қани?*

* * *

*Серандуҳ турмушдан умидбахш фикр тополган кишигина ўзини ўзи халос этишга қодир.*

* * *

*Гоҳо фикр излаш дарди яшаш дардидан кучли.*

* * *

*Фикри кўпнинг дарди кўп.*

* * *

*Туғилган фикрдан туғилмаган фикр ардоқли.*

* * *

*Азобли фикр рўёбга чиқмаган ширин хаёлнинг давомидир.*

* * *

*Фикри боқийнинг умри боқий.*

* * *

*Ҳар бир эътиборли фикрда жиндек умрбоқийлик бўлиши шарт.*

* * *

*Руҳингиз ноодатий бир фикр топиш истагида куну тун безовта қилса, билингки, сиз мангулик остонасида турибсиз.*

* * *

*Ҳа, умр қисқа, лекин у мунофиқона фикрларни оқлашга асос бўлолмайди.*

* * *

*Энг замонавий назарнинг ҳам ибтидоий дарддан униб чиққанини исботлаш мумкин.*

* * *

*Баъзи ибтидоий фикрлар қимматлиги учун эмас, одам миясининг ибтидоий фикрларга ўчлиги боис ҳамон мавжуддир.*

* * *

*"Фикр — мудом аҳадликдир" (М. Хайдеггер). Балки шунинг учун ҳам ҳамжиҳатликдан туғилган фикрларга эмас, кўпроқ ўзинг билан ўзинг баҳслашиб топган фикрларингга эргашасан.*

* * *

*"Алвидо кунимдир, туғилган куним" (Р. Парфи) — қадимий фикр. Олтмишга кирганда "Охирги сафарим. Мен туғилган кун", дейиш мумкин, аммо ушбу фикрнинг ҳақиқат эканлигига бошқаларни ҳам ишонтириш учун кўҳна Замин устида яна олтмиш йил сарсон кезиш керак.*

* * *

*Ноодатий фикр билдирилганидан кейин ноодатий яшашга ўтиш талаб этилади.*

* * *

*Ҳаётни ақлу идрок ва фозил фикрлар бошқарганида эди, ҳаётдан ҳам сийқа ва зерикарли нарса бўлмасди. Лекин бу яшасин нодонлик, телбалик деганим эмас!*

* * *

*Сергак фикрларгина кишиларни сергак яшашга ўргатади.*

* * *

*"Ёзганларим деганларимдан ўзгача, деганларим ўйлаганларимдан ўзгача, ўйлаганларим ўйлашим шарт бўлганларидан ўзгача ва шу тарзда фикрларим онг тубидаги онгга етгунча оввора" (Ф. Кафка). Бу нима, фикрлаш азобими? Йўқ, фикрлаш чанқоғи!*

*Фикрлар ҳам ором истайди.*

**Виктор АЛИМАСОВ, фалсафа фанлари доктори**

